

Жорий йилнинг 29 мартда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти изчил ривожланиб бораётган мамлакатимиз келажаги учун улкан тарихий аҳамиятга эгадир. Сайлов фуқароларимизнинг ҳуқуқий маданияти ва сиёсий фаоллиги юксаклигини, юртношларимиз мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлашни яна бир бор намоён этди.

Энг муҳими, юртимиз янги тарихидаги ушбу воят муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа халқимизнинг эзгу мақсадлар сари доимо бирдам, ўзи танлаган йўлда собит эканини яққол тасдиқлади. Шу муносабат билан юртимизда бўлган қарийб 300 нафар хорижий ва халқаро кузатувчилар сайлов натижаларини ижобий эътироф этишди. Таъбир жоиз бўлса, бутун дунё ҳамжамияти Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови умумқабул қилинган демократик принцип ва халқаро андозаларга мос ўтганини юқори баҳолади.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимизни демократлаштириш, халқимиз учун эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, юртимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, унинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини ошириш борасида беқиёс



## ЮРТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

натижаларга эришилди. Бу ҳақиқатни такрор ва такрор эътироф этар эканмиз, қалбларимиз фахрийтихор туйгуларига тўлади. Чунончи, мамлакатимиз ва жамиятимизни янгилаш ҳамда модернизация қилишнинг ўзига хос йўли асосида амалга оширилган ислохотлар самараси тўғрисида юртимиз барқарор суръатлар билан ривожла-

наётган мамлакатлардан бири сифатида жаҳонда ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Юртбошимиз 2015 йил 10 апрелда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида таъкидлаганидек: "Буларнинг

асосий омили ва мезони сифатида, ҳеч шубҳасиз, биз танлаган ва дунёда "Ўзбек модели" деб ном олган, машҳур беш тамойил — принципга асосланган, тадрижий - эволюцион, босқичма-босқич ривожланишнинг Ўзбекистон йўли нақадар тўғри эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда".

Давлатимиз раҳбарининг ушбу нутқи кўз олдимизда юртимизнинг келгусидаги тараққиёт йўлини яна бир бор аниқ гавдалантирди. Айниқса, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида олдинга сурган ғоялари халқимизга янада ҳаётбахш куч ва азму шижоат бахш этди.

## Mezon Кассация инстанцияси

суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатлилигини таъминлашда муҳим ўрин тутди

Маълумки, мамлакатимизда фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатлилигини текширишнинг муҳим кафолати сифатида кассация инстанцияси самарали фаол яратиб келинади.

Фуқаролик ва жиноят процессуал қонунчилигида қонуний кучга кирган, апелляция тартибда кўрилмаган ҳал қилув қарорлари, ҳукмлар, ажримлар устидан суднинг ҳал қилув қарори, ҳукми, ажрими чиққан кундан эътиборан бир йил ичида манфаатдор шахслар томонидан кассация шикоятни берилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Айтиш керакки, кассация инстанцияси суди томонидан қабул қилинган ажрим ва қарорлар чиқаришдан кундан эътиборан қонуний кучга кирди. Бундан ташқари фуқаролик ишлари бўйича судларда ишларни кассация тарти-

бида кўриб чиқишнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Кассация инстанцияси ишларни кўриб чиққан, ҳал қилув қарорини ўзгартириш қолдиришга, шикоят ёки протестни қаноатлантирмамасликка; ҳал қилув қарорини ўзгартиришга ёхуд бутунлай ёки қисман бекор қилишга ва янги ҳал қилув қарори чиқаришга; процессуал ҳуқуқ нормалари бузилган ёки нотўғри қўлланган тақдирда ҳал қилув қарорини ўзгартиришга ёхуд бутунлай ёки қисман бекор қилишга ва янги ҳал қилув қарори чиқаришга ҳақлидир. (Давоми учинчи бетда)

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида кекса авлод вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб турмуш шароити яратишга алоҳида эътибор қаратилаётган.

Жорий йилда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 18 февралдаги қарори билан тасдиқланган "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида ёши улуг инсонларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган.

### 2015-йил — Keksalarni e'zozlash yili

## Ҳар ким қариганда роҳат кўрсин

Бу борада Тошкент вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2015 йил 14 апрелдаги "Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида мавофик, вилоятимизда истиқомат қилаётган юз ёшдан ошган 100 нафарга яқин нуронийнинг пенсияларига ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг юз фоизи миқдорда устама бериш белгиланди. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 6 мартдаги "1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармонида асосан, вилоятда истиқомат қилаётган олти юз нафардан зиёд Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва



ногиронларига етти юз миң сўмдан бир марталик пул мукофоти берилди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган телевизор ва мобил телефон аппаратлари билан бе-

пул таъминланади. Уларга ҳар ойда 60 дақиқа кўнгириклар учун бепул лимит бериш кўзда тутилган. (Давоми тўртинчи бетда)

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари орқали тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш борасида самарали чора-тадбирлар амалга оширилди. Нагигада замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида савдо ва хизмат кўрсатиш турларининг кенг жорий этилиши — қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш билан бирга, бизнесни ривожлантиришда ҳам муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

## Qonun ijodkorligi Электрон тижорат соҳаси

бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилмоқда

Миллий тараққиётимизнинг бугунги босқичи тадбиркорлик субъектларидан замонавий коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни талаб этмоқда. Бу, ўз навбатида, тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар сифатининг янада яхшиланшига, демакки, жаҳон бозорига рақобатбардошлиги тубдан ошишига хизмат қилади. Шу маънода юртимизда

электрон тижоратнинг ҳуқуқий асосини давр талаби даражасида такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ҳақда сўз борганда, янги таҳрирдаги "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонун лойиҳаси электрон тижоратни ривожлантириш учун янги ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий ва техник шароитлар яратиш бериши ҳақида атрафлича тўхталиш мақсадга мувофиқдир. (Давоми учинчи бетда)

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида "Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий тизими: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси" номли китоб тақдимоти бўлиб ўтди.

## Инсон ҳуқуқларига бағишланган янги китоб

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази директорининг биринчи ўринбосари М.Тиллабо-

ев ва бошқалар мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлат қурилиши ва жамиятни ривожлантиришнинг ички ва ташқи сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланганини таъкидлади. (Давоми учинчи бетда)

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири — қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизimini изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборат.

## Mezon Такомиллашаётган ҳуқуқий асослар қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади

Шу боис ўтган давр мобайнида одил судловни ривожлантириш, судда иш юритиш ва ишларни кўриб чиқишни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, хусусан, тезкорликни ошириш, шу билан бирга жиноятчиликка қарши курашишга оид қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш ислохотлар тизимида муҳим йўналишга айланди.

Жумладан, 2014 йил 14 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қонун бу йўналишда навбатдаги муҳим ҳуқуқий асос бўлди. (Давоми иккинчи бетда)





